

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 6 » февраль 2019 у.

№ 95

Toshkent sh.

**Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш
соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–5580-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар томонидан қаттиқ ва суяк маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини;

маиший чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва олиб чиқиб кетишга, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотларга доир талабларни;

кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш ва жисмоний шахслар – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни тўловчиларни, шунингдек, мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни ҳисобга олиш тартибини;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимини шакллантириш ва юритиш тартибини;

истеъмолчиларнинг, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи Қаттиқ ва суяк маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатишга ихтисослашган нодавлат ташкилотларига ушбу қарорнинг 2-иловасида назарда тутилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини татбиқ қилиш тавсия этилсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналарининг абонентлар, уларни хатловдан ўтказиш маълумотлари, тўловлар ва маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича бошқа айланмалар ҳисобини юритиш тизими (Clean City биллинг тизими)дан фойдаланиш юзасидан шартномалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларни санитария жиҳатидан тозалаш ишларининг тасдиқланган Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ ташкил этилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Кучкаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 6 феврал даги 95 - сон қарорига
1- илова

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни (кейинги ўринларда маиший чиқиндилар деб аталади) тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидалар радиоактив ва биологик чиқиндилар, даволаш-профилактика муассасалари чиқиндилари, зарарли моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш ва зарарли моддаларни сув объектиларига оқизиб юбориш билан боғлиқ ишлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга келтирилаётган муносабатларга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими (кейинги ўринларда Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими деб аталади) – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни тўловчи – жисмоний шахслар, уларнинг қарздорликлари, шунингдек, тўланган ва ундирилган мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш учун мўлжалланган маълумотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг ягона электрон тизими;

суюқ маиший чиқиндилар – жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда юридик шахсларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (оқова сувлар, чиқинди тўкиладиган ўралар ва септикларда йиғилган турли хил суюқ чиқиндилар, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ювинди чиқиндилари, марказлашмаган канализациянинг нажас чиқиндилари);

хизмат кўрсатиш зонаси – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш учун тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотга бириктирилган туман (шаҳар) ҳудуди;

йирик габаритли маиший чиқиндилар – жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган мебеллар, маиший техникалар (совуткичлар, кир ювиш машиналари, телевизорлар ва шу кабилар), ташкилий техникалар (компьютерлар, принтерлар ва шу кабилар), техник ускуналар, автотранспорт воситаларини алмаштириш натижасида ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндилар, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришда ҳосил бўладиган

чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглар ва бошқалар) ва ўлчамлари бўйича 0,75 куб. метр ҳажмли контейнерларга жойлаштиришнинг имкони бўлмаган қурилиш чиқиндилари;

хизмат кўрсатувчи ташкилот – ўзига бириктирилган ҳудудда истеъмолчиларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилот;

истеъмолчи – хизмат кўрсатувчи ташкилотга бириктирилган ҳудудда истиқомат қилувчи ва унга оммавий шартнома асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиладиган жисмоний шахс, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилот билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тadbиркор;

чиқиндиларни қайта ишлаш – чиқиндиларни экологик жиҳатдан беҳатар сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш мақсадида уларнинг физик, кимёвий ёки биологик хусусиятларини ўзгартириш билан боғлиқ технологик операцияларни амалга ошириш;

қурилиш чиқиндилари турар жой уйлари, маъмурий бино, кўп квартиралли уй квартираларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва бузиш ишларини амалга оширишда ҳосил бўладиган чиқиндилар;

смёт – йўл қопламаларининг емирилиш ва едирилиш маҳсули, чанг, тупрок, тўқилган ҳазонлар, чиқинди қутилари ичидаги чиқиндилар, сув оқиб тушадиган қудуқлардаги чўқиндилар;

“сигнал” усули – чиқинди ташиш техникаси билан аҳоли яшаш пунктларини айланиб чиқиб, сигнал бериш йўли билан истеъмолчиларни хабардор қилиш орқали яқка тартибдаги турар жой секторидаги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш;

қаттиқ маиший чиқиндилар – жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда юридик шахсларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи органик ва ноорганик чиқиндилар, шунингдек, уларнинг ҳудудида ва ободонлаштириш объектларидаги табиий жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (озик-овқат ва ўсимлик чиқиндилари, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраш-жойлаш (қадоклаш) материаллари, шина, резина, қоғоз, пластмасса, ёғоч чиқиндилари, ўзининг фойдаланиш хусусиятларини йўқотган уй-рўзгор буюмлари, сунуринди, шунингдек, қаттиқ ёқилғида ишловчи маиший печкалар ва иситиш буғқозонларидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар);

чиқиндиларни утилизация қилиш – чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиламчи хом ашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат – санитария ва экологик талабларга мувофиқ қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, жойлаштириш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, зарарсизлантириш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва ташишни ўз ичига оладиган ишлар мажмуи.

4. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ушбу Қоидалар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбурий талабларга жавоб бериши лозим.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш

5. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш учун туман (шаҳар) ҳудудлари бириктирилган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун туман (шаҳар) ҳудудларини бириктириш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарори билан тасдиқланган Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисида Низом билан тартибга солинади.

Туман (шаҳар)лар ҳудудларини:

хизмат кўрсатувчи хусусий ташкилотларга бириктириш – электрон танлов натижасига кўра, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда электрон танлов ёлиби ўртасида ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ тузиладиган, Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга;

хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотларига бириктириш – электрон танлов натижасига кўра, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда электрон танлов ёлиби ўртасида ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ тузиладиган, Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, ушбу Қоидалар кучга киргунга қадар бириктирилган ҳудудларда фаолият юритаётган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ҳамда Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш шартномаси танлов ўтказмасдан тузилади.

6. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш ушбу Қоидалар ва шартнома (битим)ларга мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, аҳолига маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартнома (битим), шунингдек, жисмоний шахсларга маиший

чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун хизматлар кўрсатиш бўйича оммавий шартнома асосида амалга оширилади.

Кўчмас мулкдан фойдаланилганда маиший чиқиндилар пайдо бўлишига олиб келувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлардан фойдаланиш учун мазкур кўчмас мулк хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузадилар.

Кўчмас мулк эгаси ёки мулкдори (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор)нинг маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлган тақдирда, кўчмас мулк эгаси ёки мулкдори қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва кўмиш учун ихтисослаштирилган қаттиқ маиший чиқинди полигонига эга бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузади.

Худудга тўлиқ хизмат кўрсатиш учун юк ташиш қувватини таъминлаб берадиган, талаб этиладиган миқдордаги техник жиҳатидан соз чиқинди ташиш машиналарининг етишмовчилиги билан боғлиқ зарур ҳолатларда, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ободонлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланишда ҳосил бўлган чиқинди ва смётни олиб чиқиб кетиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан алоҳида шартномалар тузишлари мумкин. Агар шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларининг чиқинди ва смётни олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари чиқиндиларни ихтисослаштирилган полигонларга жойлаштириш ва кўмиш учун шартнома тузадилар.

7. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларида ушбу Қоидаларнинг 5-бобига мувофиқ кейинчалик хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматлари ҳақини марказлашган тартибда тўлаш учун жамланади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўлов, шунингдек, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов тарифлари, нархларни тартибга солувчи органлар (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари) билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади, ушбу Қоидаларнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

8. Қуйидаги чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда алоҳида тўлов эвазига амалга оширилади:

суюқ маиший чиқиндилар;

йирик габаритли маиший чиқиндилар;

чорвачилик чиқиндилари;

қурилиш чиқиндилари ва тупроқ;

дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглар ва бошқалар) ва смёт.

Бунда, мазкур бандда кўрсатилган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўзининг хизмат кўрсатиш зонасидан ташқарида амалга оширилиши мумкин.

3-боб. Маиший чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва олиб чиқиб кетишга доир талаблар

9. Маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва сақлаш ушбу Қоидалар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик талабларга мувофиқ ҳамда чиқиндилардан оқилона фойдаланишни таъминловчи усулларда ёки уларни бошқа шахсларга топшириш (сотиш) орқали амалга оширилади.

10. Таркибида симоб бўлган лампалардан ёритиш учун фойдаланувчи истеъмолчилар таркибида симоб бўлган лампаларнинг ишлатиб бўлинган ресурсларини махсус ажратилган жойда тўплашни амалга оширадilar.

Таркибида симоб бўлган лампаларни тўплаш, лампаларга шикаст етказилишига имкон бермайдиган ва ундаги симобли моддаларнинг ҳаво муҳитига, сув таъминоти манбаларига, тупроқ ва озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб кетишдан сақловчи махсус тараларда амалга оширилади, сўнгра хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг чиқинди тўплаш шохобчасида бунинг учун махсус ўрнатилган контейнерларга жойлаштирилади. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан маиший чиқиндиларни “сигнал” усулида олиб чиқиб кетиш, таркибида симоб бўлган лампаларни тўплаш уларни автотранспортга алоҳида ва хавфсиз жойлаштиришни таъминлаган ҳолда бажарилади.

Чиқинди тўплаш шохобчаларида тўпланган, таркибида симоб бўлган лампаларнинг ишлатиб бўлинган ресурсларини утилизация қилишгача ташиш хизмат кўрсатувчи ва утилизация қилувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

11. Ушбу Қоидаларнинг 8-банди учинчи-бешинчи хатбошиларида кўрсатилган чиқиндилар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотлар томонидан белгиланган, вақтинчалик махсус ажратилган жойларга йиғиб турилиши керак.

Тўкилган баргларни ёқиш қатъиян тақиқланади, улар махсус ажратилган жойлардан кўчадаги, уйлар олдидаги смёт билан бирга олиб чиқиб кетилади.

12. Чиқинди тўплаш шохобчаларини ташкил этиш, жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, уларни контейнерлар билан жиҳозлаш, махсус майдончалар (ажратилган жойлар), қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш учун мўлжалланган контейнерлар сони ва турига доир талаблар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш

ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш Қоидалари билан тартибга солинади.

4-боб. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни ташкил этишга доир талаблар

13. Олиб чиқиб кетиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажми қаттиқ маиший чиқиндилар вужудга келишининг тасдиқланган меъёрлари (кейинги ўринларда тўпланиш меъёрлари деб аталади) бўйича аниқланади.

14. Тўпланиш меъёри ўзгарувчан катталиқ ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларга, хизмат кўрсатилаётган объектлар демографик хусусиятларининг ҳамда ободлик даражаси ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳолатларда вақти-вақти билан, камида беш йилда бир маротаба қайта кўриб чиқилиши керак.

Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёри кўп квартирали ва яқка тартибдаги турар жой уйлари бўйича – уйнинг ободлик даражасига (иссиқлик, газ таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация мавжудлигига) қараб бир кеча-кундузда бир киши ҳисобига белгиланади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёри Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

15. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг даврийлиги аҳоли яшаш пунктлари, шаҳарнинг санитария ҳолати таъминланишини ва касаллик пайдо қилувчи бактериялар ривожланишининг олдини олиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, жойлардаги иқлим шароитлардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади, бунда санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ маиший чиқиндиларни сақлашнинг чекланган муддати ўтиб кетмаслиги лозим.

16. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлиги чиқинди тўплаш шохобчаларидан – бир кунда бир маротаба ва яқка тартибдаги турар жой секторидан “сигнал” усулида – уч кунда бир маротабани ташкил қилади.

17. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда белгиланади, бунда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ маиший чиқиндиларни сақлашнинг чекланган муддати ўтиб кетмаслиги лозим.

18. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки бошқа шахслар оператив тартибда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чораларини кўриш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг диспетчерлик хизматига буюртманома беришга, шунингдек, Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик

тўғрисидаги битим ёки Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартнома шартларига мувофиқ тегишли чоралар кўриш ва кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш учун Давлат экология кўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига (кейинги ўринларда Санитар тозалаш марказлари деб аталади) мурожаат қилишга ҳақли.

19. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилиниши юзасидан мониторинг (шу жумладан чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимда автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланган ҳолда) юритадилар ҳамда ҳисобини олиб борадилар.

5-боб. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш

20. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатаётган хизматлари учун тўлов (ушбу Қоидаларнинг 8-бандида назарда тутилган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бундан мустасно) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларида жисмоний шахсларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлари ҳисобига жамланган маблағлардан марказлашган тартибда амалга оширилади.

Бунда, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлар жисмоний шахслар томонидан тўлов амалга оширилаётган, ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмай ягона транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларига ўтказилади.

Тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифлар бўйича амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан ушбу Қоидаларнинг 8-бандида назарда тутилган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловлар бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

21. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига 100 фоиз миқдорда ҳар ойлик олдиндан тўлов асосида амалга оширишлари шарт.

22. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш шартномасида назарда тутилган миқдорларда, Санитар тозалаш марказининг ушбу Қоидаларга 4-иловага мувофиқ шаклдаги буюртманомаси бўйича амалга оширилади.

23. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш учун маблағларни ўтказишга буюртманома жисмоний шахслардан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг келиб тушишига кўра, кейинчалик ой якунида бажарилган ишлар далолатномаси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиб тақдим этилади.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Санитар тозалаш марказидан буюртманомани олган кундан кейинги иш кунидан кечикмай жамланган маблағларни:

5 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда – ҳар йили белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасида, Санитар тозалаш марказлари фаолиятини молиялаштириш учун Давлат экология қўмитаси ҳудудий органларининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварақларига;

5 фоиз миқдорида – Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланадиган смета бўйича Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг банк ҳисоб рақамига унинг фаолиятини, шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш тадбирларини амалга оширишни молиялаштириш учун;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг банк ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

6-боб. Жисмоний шахслар – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни тўловчиларни, шунингдек, мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни ҳисобга олиш тартиби

24. Жисмоний шахслар – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни тўловчиларни (кейинги ўринларда абонентлар деб аталади), шунингдек, уларнинг қарздорликларини ҳисобга олиш Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида, ушбу бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида қуйидаги маълумотлар онлайн тарзида шакллантирилади:

абонентлар тўғрисида (фамилияси, исми ва отасининг исми) уникал шахсий ҳисобварақларни берган ҳолда, шунингдек, уларнинг манзилларини ва паспорт маълумотларини (серияси, номери, берилган санаси ва паспортни берган органни) кўрсатган ҳолда. Бунда, Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида фақат хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш зонасида истиқомат қилувчи абонентлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

абонент хизмат кўрсатиш зонасига тааллуқли бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот тўғрисида;

абонент билан бирга истиқомат қилувчи шахслар сони тўғрисида;

ҳар ой учун ва ортиб боровчи якун билан ҳисобланган мажбурий тўловлар суммаси тўғрисида. Бунда, мажбурий тўловлар суммасининг миқдори абонент билан бирга истиқомат қилувчи шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш давридаги бир ойда бир киши учун белгиланган тарифдан келиб чиқиб, Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида автоматик равишда ҳисобланади.

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг амалда тўланганлиги, қарздорлик суммаси ва ортиқча тўланганлиги тўғрисида;

Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими ишлаши учун техник талабларга мувофиқ бошқа кўрсаткичлар тўғрисида.

Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими бир вақтнинг ўзида тўлов тўғрисидаги маълумотни Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида акс эттирган ҳолда тўловни амалга ошириш имконини берувчи банклар ва банклараро тўлов тизимлари билан интеграция қилинади.

26. Давлат экология қўмитаси Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимининг бошқарилиши ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш учун жавобгардир.

Санитар тозалаш марказлари Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

27. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов, жисмоний шахсларнинг ихтиёрига кўра, чекланмаган ҳолда, тижорат банклари ва тўловларни қабул қилиш кассалари, электрон тўлов тизими ва бошқа тўлов турлари орқали, нақд ва нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) инспекторлари томонидан жорий мажбурий тўловлар ва улар бўйича қарздорликларни йиғиш Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида акс эттирилган, ҳисобланган суммалар тўғрисидаги маълумотлар бўйича амалга оширилади.

Бунда, жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш Бюро инспекторлари томонидан нақд ва нақдсиз шаклда, шу жумладан банк тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

28. Тўловлар тегишли ташкилотлар (банк ёки Бюро) томонидан қабул қилинган сана тўлов амалга оширилган вақт ҳисобланади.

Тўлов электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилган тақдирда, пул маблағлари истёъмолчининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилган (транзакция) сана тўлов амалга оширилган вақт деб ҳисобланади.

Тўлов иш берувчи томонидан ходимларининг аризалари асосида иш ҳақидан чегириб қолиш йўли билан амалга оширилганда, ҳар бир истёъмолчи учун пул маблағлари ўтказилгандан кейин пул тўлаган ходимларнинг номи қайд этилган реестр Санитар тозалаш марказига тақдим этилган сана тўлов амалга оширилган вақт деб ҳисобланади.

29. Истеъмолчилар аванс тариқасида тўланган тўловлар учун, ушбу даврда тегишли тарифлар ошган тақдирда, тўлов амалга оширилган санадан ўн икки ойдан ошмайдиган даврга қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод этиладилар.

30. Маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун юридик шахслардан қарздорлик суммасининг 0,4 фоизи ва жисмоний шахслардан 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилади.

Пеняни ҳисоблаш истеъмолчининг аниқлаштирилган қарздорлик (тўланманган қарз) суммасидан, шунингдек белгиланган тартибда киритилган олдиндан тўлов ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг 11-кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пеняни ҳисоблаш учун қарздорлик ҳосил бўлган ой аниқланади ва қарз тўланган ҳар бир ой бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня шу ойдан бошлаб ҳисобланади.

31. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларнинг қайта ҳисоб-китоби куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

ҳисоблашда ушбу Қоидаларнинг 32-бандида назарда тутилган хатоларга йўл қўйилганда;

истеъмолчига хизмат кўрсатилмаган ёки тегишли сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилганда;

истиқомат қилувчи шахслар сонига ушбу Қоидаларнинг 37 ва 38-бандларида белгиланган тартибда тузатишлар киритилганда;

Бюро органининг тақдимномаси ёки суд қарори бўйича.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиш Санитар тозалаш марказлари томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

32. Ҳисоблашда куйидаги хатоларга йўл қўйилганда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилади:

амалда тўланган сумма ва Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимидаги тўлов тўғрисидаги маълумот ўртасида тафовутлар мавжуд бўлганда;

тўлов суммаси нотўғри ҳисобланганда ёки тариф нотўғри қўлланилганда;

пеня нотўғри ҳисоблаб чиқарилганда;

Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида ёки тўлов ҳужжатларида арифметик хатога йўл қўйилганда;

Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими, тўлов ва бухгалтерия ҳужжатларидаги бошқа хатоликларда.

Ҳисоблашда хатоликлар аниқланганда Санитар тозалаш маркази томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва Ҳисобга олишнинг ягона электрон

тизимига тегишли маълумотни киритиш учун асос ҳисобланувчи далолатнома тузилади. Далолатномага ҳисоблашдаги хатоликларга йўл қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади ва Санитар тозалаш маркази бошлиғи томонидан имзоланади.

Ҳисоблашдаги йўл қўйилган хатоликлар Санитар тозалаш марказлари томонидан уларнинг аниқланишига кўра, даъво муддати мобайнида ҳисобга олинади.

33. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганда ёки хизмат кўрсатилмаган тақдирда истеъмолчи тегишли давр учун тўловлардан озод этилади.

34. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилмаган ёки тегишли бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги факти аниқланган ҳолатларда, истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузилади.

Хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида тузилган далолатнома маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланади, шунингдек, Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартнома шартларига мувофиқ баҳолашда инobatга олинади.

Далолатнома истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилларининг имзолари бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили келмаган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда у ушбу далолатномага имзо қўйишдан бош тортганлик сабабларини далолатнома тузилган куннинг ўзида ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда истеъмолчи маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунига қадар тўхтатишга ҳақлидир.

35. Абонентлар ҳисобини олиб бориш Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида Санитар тозалаш марказлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ушбу Қоидаларнинг 36-38-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар ойнинг 5-санасига қадар Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича Санитар тозалаш марказига абонентлар, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизмат

кўрсатиш зонасида ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар бўйича куйидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумот тақдим этиб борадилар:

абонент билан бирга истиқомат қилувчи, кўчиб келган ёки кўчиб кетган шахслар сонини кўрсатган ҳолда янги абонент кўчиб келиши ёки абонентнинг кўчиб кетиши;

фамилия, исми ва отасининг исми, шунингдек, мазкур манзил бўйича янги абонентнинг паспорт маълумотларини кўрсатган ҳолда, абонентнинг ўлим ёки бошқа сабабга кўра яшаш манзилидан чиқарилганлиги;

абонентнинг манзили бўйича бир ёки бир нечта бирга истиқомат қилувчи шахслар сонининг ўлим, тугилиш, кўчиб келиш ёки кўчиб кетиш (шу жумладан вақтинча) билан боғлиқ ўзгаришлар.

Абонентлар бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва Санитар тозалаш марказининг тегишли туман (шаҳар)га бириктирилган мутахассиси томонидан имзоланади.

Санитар тозалаш маркази маълумотларни олган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига тегишли ўзгартиришлар киритади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг кейинги ҳисоб-китоби кўрсатилган ўзгартиришлар Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига киритилган вақтдан бошлаб амалга оширилади, ушбу Қоидаларнинг 37 ва 38-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

37. Абонентлар бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларга киритилмаган ва улар ҳақида Санитар тозалаш марказига тақдим этилмаган янги абонентлар ёки бирга истиқомат қилувчи шахслар аниқланганда, Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида абонентлар ва бирга истиқомат қилувчи шахслар сонига тузатишлар киритилади.

Бир вақтнинг ўзида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки Санитар тозалаш маркази ходими томонидан тузилган далолатнома, ички ишлар органлари томонидан прописка қилинганлиги (шу жумладан, вақтинча прописка қилинганлиги)нинг тасдиғи, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи (ФХДЁ)нинг туғилганликни қайд этиш тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар), қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик, ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар сони ортган (кўчиб кириш, туғилиш ва шу кабилар) вақтдан бошлаб тўлиқ қайта ҳисоблаб чиқилади, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса – ўтган уч ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

38. Агар, абонент манзили бўйича ҳеч ким истиқомат қилмаган ёки кам шахслар истиқомат қилган тақдирда, турар жой эгаси ёки абонент Санитар тозалаш маркази ёки унинг тегишли туман (шаҳар)га бириктирилган мутахассисига абонент тўғрисидаги маълумотга тузатишлар киритиш учун мурожаат қилишга ҳақли. Бунда, мурожаатга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган, ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар тўғрисидаги далолатнома илова қилинади.

Мазкур ҳолда, Санитар тозалаш маркази далолатномани олган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига тегишли тузатишлар киритади ва қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилади.

39. Санитар тозалаш маркази абонентлар ва улар томонидан амалга оширилган қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш соҳасида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда абонентлар ва бирга истиқомат қилувчи шахсларнинг ҳаққоний ҳисоби юритилишини, шунингдек, Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига улар тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини ташкил этади;

абонентлардан пул маблағлари тушумининг оператив ҳисобини юритади;

абонентларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради;

келгусида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий органларини абонентлар ҳисоби, абонентлардан пул маблағлари тушуми ва абонентларнинг қарздорликлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди;

хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ҳар ойда бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини қабул қилади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантириш (шу жумладан ўзгартириш киритиш) бўйича белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таклифлар киритади;

хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатаётган хизматлари ҳақини марказлашган тартибда тўлашни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртманомалар тақдим этади;

Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича, ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар муддатда, йил якуни бўйича эса – келгуси молия йилининг 25 февралига қадар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек, Давлат экология қўмитасига Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартномаларнинг амалга

оширилиши, шунингдек, бажарилган ишлар ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этади.

тўловлар олти ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда, талабнома-даъво ишларини, шу жумладан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича абонентлардан муддати ўтган қарздорликни ундириш тўғрисидаги аризаларни судларга тайёрлашни амалга оширади;

истеъмолчиларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқади, шунингдек, уларнинг ижроси ҳисобини олиб боради;

хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан назорат олиб боради;

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш ишларини бажаради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда худудларни санитария жиҳатидан тозалаш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради.

40. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслардан мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорликларини камайтириш соҳасида Бюро органлари қуйидагиларга ҳақли:

жисмоний шахслардан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни йиғишни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларга қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходимлар –

истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларга ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатиладиган банк ҳисобрақамларидан низосиз тартибда ҳисобдан чиқаришни амалга ошириш.

Бюро қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7-боб. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартномага мувофиқ зарур кўламда, белгиланган сифатда, унинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар етказмайдиган хизматлардан фойдаланиш;

хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлигига риоя этилишини талаб қилиш;

ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган давр учун олдиндан ҳақ тўлаш, кейинчалик тегишли тарифлар ошганда қайтадан ҳисоб-китоб қилмаслик;

хизмат кўрсатувчи ташкилотдан хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва ўзгаришлар тўғрисидаги, шунингдек, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар тарифлари тўғрисида маълумот олиш;

хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг оператив тартибда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чораларини кўриши лозим бўлган диспетчерлик хизматига буюртманома бериш;

хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолатларда хизмат кўрсатувчи ташкилотга ёзма, электрон ёки оғзаки шаклда шикоят қилиш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотдан хизматлар тўлиқ кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек, аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда хизмат кўрсатувчи ташкилот айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини талаб қилиш;

доимий яшаш жойида вақтинча бўлмаганлиги, юридик шахс фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатганлигининг ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ озод бўлиш;

шартнома тузилаётганда (юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор), маиший чиқиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятидан келиб чиққан

ҳолда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган чекланган муддатлардан ошмайдиган хизмат кўрсатиш муддатларини белгилаш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича сифатсиз хизмат кўрсатилганлиги сабабли, агар хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб этиб судга мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

42. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаш;

контейнерда тўплаш тизимида – чиқинди тўплаш шохобчаларида чиқиндиларни жойлаштиришда чиқиндиларни контейнерларга ташлаш;

тўплашнинг “сигнал” усулида қаттиқ маиший чиқиндиларни ўз уйларида сақлаш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш жадвали бўйича етиб келган махсус автотранспорт воситасига жойлаштириш;

маиший чиқиндиларни рухсат этилмаган жойларга ва объектларга ташламаслик ҳамда жойлаштирмаслик (кўчаларга, сув йўлларида, ариқ ва қаттиқ ҳамда суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиш учун белгиланмаган бошқа жойларга, шу жумладан, автотранспорт воситаларидан уларнинг тўхташи, тўхтаб туриши ёки ҳаракатланиши вақтида);

қаттиқ маиший чиқиндиларни уларни жойлаштириш объектларида (ер ўралари, идишлар ва ҳоказолар), ташкилот ҳудудида, далаларда ва аҳоли яшаш пунктларида махсус техник қурилмаларсиз ёқмаслик;

кўп квартирали уйнинг умумий фойдаланишдаги жойларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва сақлаш жойлари ташкил этилишига йўл қўймаслик;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни махсус автотранспорт воситасига ортиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотга ортиш жойига бемалол ўтишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш контейнерлари, чиқинди тўплаш шохобчалари, чиқинди тўплаш камералари ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда хизмат кўрсатувчи ташкилотни дарҳол хабардор қилиш;

ўзларининг мулки бўлган кўп квартирали ва яқка тартибдаги уйларда ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида Санитар тозалаш маркази ёки унинг туман (шаҳар)га бириктирилган мутахассисини ўн иш куни мобайнида, ўзи келган ҳолда хабардор қилиш;

йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндиларини хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқарувчи ташкилотлар томонидан белгиланган, вақтинчалик махсус ажратилган жойларга жойлаштириш ва уларнинг чиқинди тўплаш шохобчаларидаги контейнерларга ташланишига йўл қўймаслик;

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8-боб. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

43. Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун қонун ҳужжатларига ва ушбу Қоидаларга мувофиқ тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиш;

истеъмолчига (юримдик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорга) қарздорлик тўғрисида огоҳлантириш хати юбориш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш бўйича судга даъволар тақдим қилиш, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ундириш (қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловлар бундан мустасно);

йирик габаритли маиший чиқиндилар, қурилиш чиқиндилари, чорвачилик чиқиндилари, суюқ маиший чиқиндилар ва бошқа чиқиндиларни алоҳида тўлов эвазига олиб чиқиш бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўлиқ утилизация қилиш, сотиш ёки шартнома асосида маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва сотиш билан шуғулланувчи бошқа юримдик ва жисмоний шахсларга топшириш учун комплекс чораларни амалга ошириш.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

44. Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатлари ва ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда унга туман (шаҳар) ҳудудлари бириктирилганидан кейин, беш иш куни мобайнида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш учун оммавий шартномани оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш;

оммавий шартнома нусхасини хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига юбориш (шахсан имзо қўйдирилган ҳолда ёки тақдим этилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта орқали);

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун юримдик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан шартномалар тузиш;

ўзига бириктирилган ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан белгиланган тартибда келишилган жадвалга мувофиқ, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг мунтазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлигига риоя этиш;

истеъмолчиларга маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича қонун ҳужжатлари, ушбу Қоидалар ва шартнома талабларига мувофиқ зарур сифатдаги хизматлар кўрсатиш;

хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда истеъмолчиларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг диспетчерлик хизматида тушган буюртманомаларини оператив тартибда (буюртманома келиб тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай) бажариш;

кўрсатилаётган қўшимча хизматлар учун электрон тўлов тизимини жорий этиш;

истеъмолчилар (юримдик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, кўрсатилган қўшимча хизматлар)нинг маълумотлар базасини юритиш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларнинг бирламчи ҳисобини олиб бориш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг режими ва сифати бўйича истеъмолчиларнинг муурожаатлари, шунингдек, уларнинг ижроси ҳисобини юритиш;

ўзига бириктирилган худудда аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминловчи ва Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ҳамда Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартнома шартларига мувофиқ, зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчаларининг қурилишини амалга ошириш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш ҳамда уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлаш;

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга тузилган шартнома шартларига мувофиқ, чиқинди тўплаш шохобчаларини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун зарур миқдордаги контейнерлар билан жиҳозланишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва транспорт воситаларининг зарур тарздаги санитария ҳолатини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчаларини сақлаш ва коммунал тўловларнинг тўланишини таъминлаш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга оширишни таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчаларини жорий ва мукамал таъмирлаш;

фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг қўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш

(контейнер ва чиқинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан ва шу кабилар);

ўзларига тегишли бўлган маиший чиқиндиларни утилизация қилиш технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш чораларини кўриш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва кўмиш ишларининг ушбу фаолият учун мўлжалланган, махсус ажратилган жойларда ва объектларда амалга оширилишини таъминлаш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг тартиби ва тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисида ушбу тарифлар кучга киришидан ўн беш кун аввал хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг стендида, эълонлар тахтасида эълонлар ошиш йўли билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали истеъмолчини хабардор қилиш;

истеъмолчиларга уларнинг сўровига асосан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва хизматлар кўрсатиш тартибининг, шунингдек, тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисида бепул маълум қилиш;

истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва янги камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда бузилган ер участкаларини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш;

хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг стендида, эълонлар тахтасида кўрсатилаётган хизматлар, уларнинг амалдаги тарифлари, тўлов шартлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш учун оммавий шартномани жойлаштириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маълумотлар ва бухгалтерия ҳужжатларининг беш йил мобайнида бут ҳолатда сақланишини таъминлаш.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9-боб. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар юзасидан назорат

45. Давлат экология кўмитаси маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича фаолиятнинг олиб борилиши юзасидан доимий тарзда давлат экологик назоратини амалга оширади.

46. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

47. Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

48. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш схемаси

Босқичлар		Жараёнлар		Ташкилий тадбирлар
1- босқич	Туман (шаҳар) ҳудудини хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бириктириш	<p>Хизмат кўрсатувчи хусусий ташкилотлари</p> <p>↓</p> <p>Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга ДХШ тўғрисида битим тузиш</p>	<p>Хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари</p> <p>↓</p> <p>Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатишга шартнома тузиш</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:</p> <p>а) янги бириктирилаётган ҳудудлар учун “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали электрон танлов ўтказадилар ва электрон танлов ғолиби билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга ДХШ тўғрисида битим ёки шартнома тузадилар;</p> <p>б) аввал бириктирилган ҳудудлар учун:</p> <p>хизмат кўрсатувчи хусусий ташкилотлар билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга ДХШ тўғрисида битим;</p> <p>хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга шартнома тузадилар.</p>
2- босқич	Жисмоний шахслар – мажбурий тўловларни тўловчи (абонент)ларни ҳисобга олиш	Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимини шакллантириш ва юритиш		<ol style="list-style-type: none"> 1. Санитар тозалаш марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари абонентлар ҳисобини юритадилар. 2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар ойнинг 5-санасига қадар Санитар тозалаш марказларига абонентлар бўйича ўзгаришлар тўғрисида маълумот тақдим этадилар. 3. Санитар тозалаш маркази уч иш кунидан кечикмай Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига тегишли ўзгартиришлар киритади.
3- босқич	Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш	Жисмоний шахсларга – оммавий шартнома асосида	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга – шартнома асосида	<p>Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар:</p> <p>уларга ҳудуд бириктирилганидан кейин, беш иш куни мобайнида оммавий ахборот воситалари орқали оммавий шартномани эълон қиладилар;</p> <p>юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга шартнома тузадилар.</p>
4- босқич	Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш	<p>Жисмоний шахслар – ягона транзит банк ҳисобварақларига</p> <p>↓</p> <p>Пул маблағларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ғазна ҳисобварақларида жамлаш</p>	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар – хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига	<ol style="list-style-type: none"> 1. Жисмоний шахслар қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни ҳар ойнинг 10-санасидан кечикмай тўлаб борадилар. 2. Санитар тозалаш марказлари хизмат кўрсатувчи ташкилотларга марказлашган тартибда тўлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртманома тақдим этадилар. 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кейинги иш кунидан кечикмай жамланган маблағларни Давлат экология қўмитаси ҳудудий органларининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварақларига (5 % гача), Республика бирлашмасининг банк ҳисоб рақамига (5 %) ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг банк ҳисоб рақамларига ўтказиб берадилар. 4. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига ҳар ойда 100 % олдидан тўлов асосида амалга оширадилар.
5- босқич	Назоратни амалга ошириш	Мониторинг юритиш	Чоралар кўриш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат экология қўмитаси давлат экологик назоратини амалга оширади. 2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни
тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича
хизматлар кўрсатиш қоидаларига
2-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга давлат-хусусий шериклик
тўғрисидаги намунавий битим**

20 ____ йил “ ____ ” _____ -сон

_____ ,
(маҳаллий давлат ҳокимияти органи)

номидан _____ ,
(давлати, Ф.И.О.)

_____ низом асосида фаолият юритувчи,
бундан буён матнда “**Давлат шериги**” деб аталувчи, бир томондан ва

_____ ,
(юридик шахсининг тўлиқ номи)

номидан _____ асосида фаолият
(устав, низом)
юритувчи ташкилот раҳбари (директор) _____ ,
(Ф.И.О.)

бундан буён матнда “**Хусусий шерик**” деб аталувчи, иккинчи томондан,
биргаликда “**Томонлар**” деб аталувчилар, ушбу давлат-хусусий шериклик
тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда Битим деб аталади) қуйидагилар
тўғрисида туздилар:

1. Битим мавзуси

1.1. Қуйидагилар Битим мавзуси ҳисобланади:

а) давлат-хусусий шериклик асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб
чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини қуйидагилар орқали
ташкиллаштириш:

туман (шаҳар) ҳудудини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
бўйича хизмат кўрсатиш учун Хусусий шерикка 5 йилдан кам бўлмаган муддатга
бириктириш;

Хусусий шерик томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб
кетиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Давлат шериги
мулкидан (кейинги ўринларда давлат мулки деб аталади) вақтинча, бегараз
фойдаланиш*;

Хусусий шерик томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни (кейинги
ўринларда ҚМЧ деб аталади) тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш
соҳасидаги инфратузилмани ривожлантириш;

б) Хусусий шерик томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда қонун
ҳужжатларида ва ушбу Битимда белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни

тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

в) Давлат шериги томонидан Хусусий шерикнинг ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг марказлашган тартибда, ўз вақтида тўланишини таъминлаш.

2. Битим объекти

2.1. Қуйидагилар Битим объекти ҳисобланади:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 1-иловага мувофиқ бириктирилаётган ҳудуд;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадлари учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 2-иловага мувофиқ, мазкур Битимнинг амал қилиш даврида, вақтинча фойдаланишга топширилаётган давлат мулки*.

3. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1 Хусусий шерикка бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар қиймати бир ойга _____ (рақам ва сўз билан ёзилади) сўмни ташкил қилади**.

3.2. Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш жисмоний шахслар (аҳоли)дан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг келиб тушишига кўра амалга оширилади ҳамда кейинчалик ой якунида ушбу Битимнинг 3-иловасига мувофиқ тузилган, бажарилган ишлар далолатномаси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдори ўзгарганда ушбу Битимга қўшимча келишув расмийлаштирилади.

3.4. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловлар истеъмолчилар ва Хусусий шерик ўртасида тузиладиган шартномага асосан, Хусусий шерикка бевосита, 100 фоиз олдинда тўлов асосида амалга оширилади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Давлат шериги қуйидагиларга мажбур:

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақини Хусусий шерикка тўлашни марказлашган тартибда амалга ошириш;

Хусусий шерикка методологик ёрдам бериш ва ушбу Битимнинг амалга оширилишида кўмаклашиш;

ушбу Битимнинг 2.1.-бандида назарда тутилган давлат мулкини мазкур Битимнинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Хусусий шерикка вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) учун топшириш*;

Хусусий шерикнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдориغا ўзгартириш киритиш тўғрисидаги (асосли ҳисоб-китобларни тақдим этган ҳолда) мурожаатларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш;

Хусусий шерикнинг бириктирилган ҳудудда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқинди тўплаш шохобчаларини куриш учун участка танлаш бўйича таклифларини кўриб чиқиш;

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор қилинганда Хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобига, унга бириктирилган ҳудудда курилган чиқинди тўплаш шохобчаларини қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш;

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Хусусий шерикка тўскинлик қилмаслик.

4.2. Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хусусий шерикка кўмаклашиш;

ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг Хусусий шерик томонидан бажарилишини мониторинг қилиш (шу жумладан, чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланган ҳолда);

Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Хусусий шерикнинг айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини талаб қилиш;

Хусусий шерик томонидан муайян давр ёки бириктирилган ҳудуддаги маълум участкаларда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилмаганда хизматлар қийматини тўламаслик ёки қисман тўлаш;

Хусусий шерикдан ҳар ойда бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини қабул қилиш;

Хусусий шерикдан ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг Хусусий шерик томонидан бажарилиши билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни сўраш;

Хусусий шерик томонидан кўрсатилган хизматлар самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш;

мазкур банднинг учинчи-тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази (кейинги ўринларда – Санитар тозалаш маркази деб аталади) орқали амалга ошириш;

Ушбу Битим Давлат шериги ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда (Хусусий шерик томонидан ушбу Битимнинг 4.3-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 5.3-банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) Хусусий шерик томонидан қилинган харажатларни ва бой берилган фойдани компенсация қилиш;

Бунда, Давлат шериги томонидан тўланиши лозим бўлган компенсация суммаси асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

4.3. Хусусий шерик қуйдагиларга мажбур:

ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида ва мазкур Битимда белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришиш;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун унга топширилган давлат мулкининг лозим даражада сақланишини ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш*;

санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилашни амалга ошириш, шу жумладан:

Тадбир номи	Сони (та)	Бажариш муддатлари
Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш		
Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини реконструкция қилиш		
Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш		
Чиқинди тўплаш шохобчаларини контейнерлар билан жиҳозлаш		
....		

ўзига бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига қатъий мувофиқ, уларнинг мунтазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

хар ойнинг охириг санасида Санитар тозалаш марказларига бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали тақдим этиш;

Давлат шериги томонидан белгиланган, давлат мулкидан вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) муддати ёки мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан, шунингдек, бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкини Давлат шеригига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топшириш*;

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати туганда, шунингдек, бекор қилинганда, унга бириктирилган ҳудудда, ўз маблағлари ҳисобига қурилган чиқинди тўплаш шохобчаларини Давлат шеригига қолдиқ қиймати бўйича сотиш;

Хусусий шерикнинг Битим бўйича ҳуқуқий муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатига таъсир қиладиган барча ўзгаришлар (номи, рўйхатга олиш жойи, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, банкротлик тартиботи очилганлиги) тўғрисида ўзгаришлар рўй берган кундан бошлаб 10 иш кундан кечикмай Давлат шеригига хабар бериш;

ушбу Битим бўйича Хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини олиб боришда Давлат шериги ёки Санитар тозалаш марказига тўсқинлик қилмаслик.

4.4. Хусусий шерик қуйдаги ҳуқуқларга эга:

бириктирилган ҳудудда чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун участка танлаш бўйича Давлат шеригига таклифлар киритиш;

қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда белгиланган тартибда, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча усулларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдорига ўзгартиришлар киритиш учун асосли ҳисоб-китобларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Давлат шеригига киритиш;

ушбу Битим Давлат шериги ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда (Хусусий шерик томонидан ушбу Битимнинг 4.3-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 5.3-банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) Давлат шеригидан компенсация олиш;

Давлат шериги ёки Санитар тозалаш марказидан ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ қўшимча маълумотлар ва материалларни сўраш.

5. Кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш тартиби

5.1. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

абонентларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалларига риоя этилиши;

чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолати;

контейнерларнинг ҳолати;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши.

5.2. Кўрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш ушбу Битимга 4-иловага мувофиқ амалга оширилади.

5.3. Хусусий шерик томонидан кўрсатилган хизматлар натижадорлиги кетма-кет уч ой қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, унга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорига жарима солинади. Бунда, жарима суммаси ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг марказлашган тартибда тўланишида ушлаб қолиш йўли орқали ундирилади.

Хусусий шерикка жарима солинганидан сўнг кейинги уч ой давомида хизматлар натижадорлиги тақроран қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, Давлат шериги ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Ушбу Битим бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун Томонлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Битимга мувофиқ жавоб берадилар.

7. Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш

7.1. Ушбу Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг розилиги бўйича ёки форс-мажор ҳолати вужудга келганда амалга оширилади.

7.2. Ушбу Битимга барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишувлар тузиш орқали ёзма шаклда расмийлаштирилади.

7.3. Томонлар келиша олмаган тақдирда, ушбу Битимга барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёки бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.4. Томонлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Битимни бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.5. Қўйидаги ҳолатларда Битимни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилади:

Хусусий шерик фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши;

ушбу Битим 5.3-бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда Давлат шеригининг ташаббуси бўйича;

ўз фаолиятини тўхтатиш мақсади тўғрисида фаолиятнинг тўхтатилиши кутилаётган санадан уч ой олдин Давлат шеригини хабардор қилган ҳолда, Хусусий шерикнинг ташаббуси билан.

7.6. Ушбу Битимни бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Томон иккинчи Томонга бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали ёзма билдиришнома юборади.

7.7. Хусусий шерик томонидан ушбу Битимда назарда тутилган мажбуриятлар қоникарли бажарилган тақдирда, Битимнинг амал қилиш муддати Томонларнинг келишуви бўйича 5 йилга узайтирилади.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу Битим доирасида келиб чиқадиган низолар Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳал этилади.

8.2. Келишув билан ҳал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

9. Битимнинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу Битим имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 20 ___ йил “ ___ ” _____ гача амал қилади.

10. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати

10.1. Томонлар ушбу Битим бўйича бирон-бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун, агар бундай мажбуриятларнинг бажарилмаслигини ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлигини енгиб бўлмайдиган куч ҳолати келтириб чиқарган тақдирда, жавоб бермайдилар.

10.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига Томонларнинг ушбу Битим бўйича мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатган, мазкур шароитларда фавқулодда ва кутилмаган вазиятлар киради. Келтирилган рўйхат

тўлиқ ҳисобланмайди. Бундай вазиятларга бозорда ишларни амалга ошириш учун зарур хизматлар ёки материаллар мавжуд эмаслиги ёки етишмаслигига тааллуқли ҳолатлар кирмайди.

10.3. Томон дарҳол (ёки бошланган санадан бошлаб уч календарь кунидан кечикмай) форс-мажор ҳолатининг бошланиш санаси ва тавсифини аниқлаштирувчи ёзма равишда бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали хабар беради.

10.4. Форс-мажор ҳолатлари вужудга келган тақдирда, Томонлар дарҳол юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари қидириш учун музокаралар олиб борадилар ва бундай ҳолатларнинг оқибатларини камайтириш учун барча воситаларни қўллайдилар.

10.5. Ушбу Битим бўйича ишларнинг форс-мажор ҳолатлари туфайли тўлиқ ёки қисман тўхтатилишида, мазкур ишларни олиб бориш даври форс-мажорнинг амал қилиш муддатига узайтирилади ва форс-мажор тугаган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

11. Яқунловчи қоидалар

11.1. Ушбу Битим бир хил юридик кучга эга бўлган 2 асл нусхада тузилди. Бир нусхаси Давлат шеригида, иккинчиси – Хусусий шерикда сақланади.

11.2. Ушбу Битим иловалари ва қўшимча келишувлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12. Томонларнинг манзили ва реквизитлари

«Давлат шериги»	«Хусусий шерик»
_____	_____
(тўлиқ номи)	(тўлиқ номи)
Жойлашган жойи: _____	Жойлашган жойи: _____
_____	_____
Банк реквизитлари: _____	Банк реквизитлари: _____
_____	_____
МФО: _____	МФО: _____
СТИР: _____	СТИР: _____
ИФУТ: _____	ИФУТ: _____
_____	_____
(лавозими, Ф.И.О.)	(лавозими, Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо, муҳр)	(имзо, муҳр)

**) Агар Битим билан давлат мулки (Давлат шеригига тегишли мулк)дан фойдаланган ҳолда фаолият олиб борилиши назарда тутилаётган бўлса, ушбу ҳолатларда тўлдирилади (Битим матнига киритилади).*

****) ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг бир ойлик қиймати куйидагиларга мувофиқ кўрсатилади:*

а) агар туман (шаҳар) ҳудуди қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган электрон танлов натижалари бўйича Хусусий шерикка бириктирилган

тақдирда, Хусусий шерик – электрон танлов голиби томонидан электрон танловда иштирок этиши учун тақдим этилган аризада кўрсатилган қиймат;

б) агар, электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилса, электрон танловга кўйиладиган ҳудуд паспортида Давлат шериги томонидан белгиланган, ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши бўйича хизматларнинг базавий қиймати;

в) ушбу Битим бириктирилган ҳудуддаги амалда фаолият юритаётган Хусусий шерик билан электрон танлов ўтказмасдан тузилган тақдирда, қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилган қиймат:

$$V = H \times S \times K \times 0,95 - R$$

бунда:

V – жисмоний шахсларга ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг бир ойлик қиймати;

H – бириктирилаётган ҳудудда истиқомат қилувчи ва қаттиқ маъший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими (Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими)га киритилган жисмоний шахслар (аҳоли)нинг умумий сони;

S – ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар учун белгиланган тартибда тасдиқланган тариф миқдори;

K – ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни ўртача ундириши даражаси (Тошкент шаҳрида – 100 % ($K=1$), вилоятлар марказларида – 90 % дан ортиқ бўлмаган ($K \leq 0,9$), бошқа ҳудудларда – 80 % дан ортиқ бўлмаган ($K \leq 0,8$));

0,95 – бараварлик коэффиценти (Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг банк ҳисоб рақамига 5 % миқдоридagi ажратмалар ҳисоби билан);

R – Санитар тозалаш марказини сақлаш учун ажратмалар суммаси.

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга давлат-хусусий шериклик
тўғрисидаги намунавий битимга
1-илова

Хусусий шерикка бириктирилатган ҳудуд паспорти

1. _____ вилояти
2. _____ шаҳар, туман (кишлоқ ва бошқалар)
3. Аҳоли сони – _____ минг киши.

шу жумладан:

- кўп квартирали уйларда – _____ минг киши;

- якка тартибдаги турар жой секторида – _____ минг киши.

4. Бириктирилган ҳудуддаги фуқаролар йиғини, кўчалар, мавзелар ва уйлар рўйхати:

Т/р	Номи	Кўп квартирали ва якка тартибдаги турар жойлар
1.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та, шу жумладан: намунавий (қўрикланадиган) _____ та; модулли (қўрикланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган якка тартибдаги уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши.
2.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та шу жумладан: намунавий (қўрикланадиган) _____ та; модулли (қўрикланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган якка тартибдаги уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши.
...		

Изоҳ: Рўйхатга бириктирилган ҳудудга хос ва зарур бўлган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Буюртмачи _____
(Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

Хизмат кўрсатувчи
ташкилот _____
(Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга давлат-хусусий шериклик
тўғрисидаги намунавий битимга
2-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадлари учун Хусусий шерикка вақтинча
фойдаланишга топширилаётган давлат мулкининг
рўйхати**

Т/р	Давлат мулкининг номи	Сони	Ўлчов бирлиги	Жойлашган жойи	Фойдаланиш муддати
1					
2					
...					
...					

Изоҳ: Жадвалга давлат мулкига хос ва зарур бўлган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Давлат шериги _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо ва муҳр)

Хусусий шерик _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо ва муҳр)

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга давлат-хусусий шериклик
тўғрисидаги намунавий битимга
3-илова

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
хизматлари кўрсатиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
20___ йил “___” ___-сон битимга ___-сон
қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
бўйича бажарилган ишлар далолатномаси

Шаҳар (туман) _____ 20___ йил “___” ___

Биз, қуйида имзо чекувчилар, _____

(Давлат экология кўмитасининг ҳудудий органи)

ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғи _____ ва

(Ф.И.О.)

раҳбари

(Хусусий шерик – хизмат кўрсатувчи ташкилот)

(Ф.И.О.)

ушбу далолатномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. 20___ йил “___” ___ даги ___-сон Битимга мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан унга бириктирилган ҳудудда 20___ йилнинг ___ ойида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича ушбу далолатноманинг 2-бандида кўрсатилган ҳажмдаги хизматлар кўрсатилди.

2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар:

Т/р	Бириктирилган ҳудудлар	Қатновлар сони	Олиб чиқиб кетилган қаттиқ маиший чиқинди ҳажми (м ³)	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар қиймати (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда)	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар қиймати (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда)
1.					
...					

(хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)

(Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғининг Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

(имзо ва муҳр)

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга давлат-хусусий шериклик
тўғрисидаги намунавий битимга
4-илова

**Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар
натияждорлигини баҳолаш**

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натияждорлигини баҳолаш 100 баллик шкаладан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича коникарсиз баҳо учун ҳар бир кўрсаткич бўйича муайян балл олиб ташланади.

1. Абонентларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

$S=A/C*100$, бунда:

S – 100 та абонентга тўғри келадиган шикоятлар сони;

A – ҳисобот оғи учун шикоятлар сони;

C – абонентлар сони.

Бунда:

агар $3<S<10$ – 10 балл олиб ташланади;

агар $10<S<20$ – 15 балл олиб ташланади;

агар $S>20$ – 20 балл олиб ташланади.

2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадваларига риоя этилиши;

$T=G/F$, бунда:

T – тасдиқланган қатновларнинг бир ойда бажарилиш коэффициенти;

G – бир ойда ҳақиқатда амалга оширилган қатновлар сони;

F – бир оғга тасдиқланган қатновлар сони.

Бунда:

агар $0,8<T<0,9$ – 10 балл олиб ташланади;

агар $0,75<T<0,8$ – 15 балл олиб ташланади;

агар $T<0,75$ – 20 балл олиб ташланади.

3. Чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолати*.

$P=B/D$, бунда:

P – талабларга жавоб бериш даражаси;

B – талабларга жавоб берадиган чиқинди тўплаш шохобчалари сони;

D – бириктирилган ҳудуддаги чиқинди тўплаш шохобчаларининг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9<P<1$ – 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 < P < 0,9$ – 10 балл олиб ташланади;
агар $P < 0,7$ – 15 балл олиб ташланади.

4. Контейнерларнинг ҳолати*.

$K = H/R$, бунда:

K – талабларга жавоб бериш даражаси;

H – талабларга жавоб берадиган контейнерлар сони;

R – бириктирилган ҳудуддаги контейнерларнинг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9 < K < 1$ – 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 < K < 0,9$ – 10 балл олиб ташланади;

агар $K < 0,7$ – 15 балл олиб ташланади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши.

биттадан учтагача ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 20 балл олиб ташланади;

учтадан бештагача ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 25 балл олиб ташланади;

бештадан ортиқ ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 30 балл олиб ташланади;

6. Кўрсатилган хизматлар натижадорлиги Санитар тозалаш маркази қарори бўйича:

агар баллар йиғиндиси 40 баллдан камни ташкил қилса – қониқарсиз;

агар баллар йиғиндиси 40 баллдан 60 баллгачани (60 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – паст;

агар баллар йиғиндиси 60 баллдан 80 баллгачани (80 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – ўрта;

агар баллар йиғиндиси 80 баллдан 90 баллгачани (90 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – етарли;

агар баллар йиғиндиси 90 баллдан 100 баллгачани (100 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – қониқарли деб эътироф этилади.

**) Баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириши ва улардан фойдаланиши ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириши қоидалари талабларидан келиб чиқиб, амалга оширилади.*

Қаттиқ ва суюқ маиший
чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб
кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш
қоидаларига 3-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга
намунавий шартнома**

20 ____ йил “ ____ ” _____ -сон

_____ (маҳаллий давлат ҳокимияти органи)

НОМИДАН _____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ низоми асосида фаолият юритувчи,
бундан буён матнда “**Буюртмачи**” деб аталувчи, бир томондан ва

_____ (юридик шахснинг тўлиқ номи)

НОМИДАН _____ асосида фаолият
(устав, низоми)

юритувчи ташкилот раҳбари (директор) _____ (Ф.И.О.)

бундан буён матнда “**Хизмат кўрсатувчи ташкилот**” деб аталувчи, иккинчи
томондан, биргаликда “**Томонлар**” деб аталувчилар, ушбу шартномани
қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Қуйидагилар шартнома мавзуси ҳисобланади:

а) маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат
кўрсатиш ишларини қуйидагилар орқали ташкиллаштириш:

туман (шаҳар) ҳудудини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб
кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун Хизмат кўрсатувчи ташкилотга 5 йилдан
кам бўлмаган муддатга бириктириш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун
Буюртмачи мулкидан (кейинги ўринларда давлат мулки деб аталади) вақтинча,
беғараз фойдаланиш*;

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни
(кейинги ўринларда ҚМЧ деб аталади) тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича
хизмат кўрсатиш соҳасидаги инфратузилмани ривожлантириш;

б) Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда
қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда маиший
чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш
фаолиятини амалга ошириш;

в) Буюртмачи томонидан Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг марказлашган тартибда, ўз вақтида тўланишини таъминлаш.

2. Шартнома объекти

2.1. Қуйидагилар шартнома объекти ҳисобланади:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Хизмат кўрсатувчи ташкилотга ушбу шартномага 1-иловага мувофиқ бириктирилаётган ҳудуд;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадлари учун Хизмат кўрсатувчи ташкилотга ушбу шартномага 2-иловага мувофиқ, мазкур шартноманинг амал қилиш даврида, вақтинча фойдаланишга топширилаётган давлат мулки*.

3. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1 Хизмат кўрсатувчи ташкилотга бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар киймати бир ойга _____ сўмни ташкил қилади**.

(рақам ва сўз билан ёзилди)

3.2. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш жисмоний шахслар (аҳоли)дан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг келиб тушишига кўра амалга оширилади ҳамда кейинчалик ой якунида ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ тузилган, бажарилган ишлар далолатномаси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдори ўзгарганда ушбу шартномага қўшимча келишув расмийлаштирилади.

3.4. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловлар истеъмолчилар ва Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартномага асосан, Хизмат кўрсатувчи ташкилотга бевосита, 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақини Хизмат кўрсатувчи ташкилотга тўлашни марказлашган тартибда амалга ошириш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилотга методологик ёрдам бериш ва ушбу шартноманинг амалга оширилишида қўмаклашиш;

ушбу шартноманинг 2.1.-бандида назарда тутилган давлат мулкини мазкур шартноманинг амал қилиш муддатида ортиқ бўлмаган муддатга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Хизмат кўрсатувчи ташкилотга вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) учун топшириш*;

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги (асосли ҳисоб-китобларни тақдим этган ҳолда) мурожаатларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бириктирилган ҳудудда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун участка танлаш бўйича таклифларини кўриб чиқиш;

ушбу шартноманинг амал қилиш муддати туганда, шунингдек, бекор қилинганда Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобига, унга бириктирилган ҳудудда қурилган чиқинди тўплаш шохобчаларини қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш;

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Хизмат кўрсатувчи ташкилотга тўскинлик қилмаслик.

4.2. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хизмат кўрсатувчи ташкилотга кўмаклашиш;

ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан бажарилишини мониторинг қилиш (шу жумладан, чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланган ҳолда);

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини талаб қилиш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан муайян давр ёки бириктирилган ҳудуддаги муайян участкаларда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилмаганда хизматлар қийматини тўламаслик ёки қисман тўлаш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан ҳар ойда бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини қабул қилиш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан бажарилиши билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни сўраш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолашни амалга ошириш;

мазкур банднинг учинчи-тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази (кейинги ўринларда – Санитар тозалаш маркази деб аталади) орқали амалга ошириш;

Ушбу шартнома Буюртмачи ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда (Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ушбу шартноманинг 4.3-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 5.3-банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно)

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қилинган харажатларни ва бой берилган фойдани компенсация қилиш;

Бунда, Буюртмачи томонидан тўланиши лозим бўлган компенсация суммаси асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

4.3. Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидагиларга мажбур:

ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида ва мазкур шартномада белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришиш;

вақтинча фойдаланиш учун унга топширилган давлат мулкининг лозим даражада сақланишини ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш*;

санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилашни амалга ошириш, шу жумладан:

Тадбир номи	Сони (та)	Бажариш муддатлари
Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш		
Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини реконструкция қилиш		
Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш		
Чиқинди тўплаш шохобчаларини контейнерлар билан жиҳозлаш		
....		

Ўзига бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига қатъий мувофиқ, мунгазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

ҳар ойнинг охириги санасида Санитар тозалаш марказларига бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали тақдим этиш;

Буюртмачи томонидан белгиланган, давлат мулкидан вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) муддати ёки мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан, шунингдек, бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкини Буюртмачига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топшириш*;

ушбу шартноманинг амал қилиш муддати туганда, шунингдек, бекор қилинганда, унга бириктирилган ҳудудда, ўз маблағлари ҳисобига қурилган чиқинди тўплаш шохобчаларини Буюртмачига қолдиқ қиймати бўйича сотиш;

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг шартнома бўйича ҳуқуқий муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатига таъсир қиладиган барча ўзгаришлар (номи, рўйхатга олиш жойи, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, банкротлик тартиботи очилганлиги) тўғрисида ўзгаришлар рўй берган кундан бошлаб 10 иш кундан кечикмай Буюртмачига хабар бериш;

ушбу шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини олиб боришда Буюртмачига ёки Санитар тозалаш марказига тўсқинлик қилмаслик.

4.4. Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бириктирилган ҳудудда чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун участка танлаш бўйича Буюртмачига таклифлар киритиш;

конун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда, шунингдек, конун ҳужжатларида тақиқланмаган барча усулларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдорига ўзгартиришлар киритиш учун асосли ҳисоб-китобларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Буюртмачига киритиш;

ушбу шартнома Буюртмачи ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда (Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ушбу шартноманинг 4.3-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 5.3-банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) Буюртмачидан компенсация олиш;

Буюртмачи ёки Санитар тозалаш марказидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ қўшимча маълумотлар ва материалларни сўраш.

5. Кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш тартиби

5.1. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

абонентларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалларига риоя этилиши;

чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолати;

контейнерларнинг ҳолати;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги конун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши.

5.2. Кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ амалга оширилади.

5.3. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатилган хизматлар натижадорлиги кетма-кет уч ой қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, унга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солинади. Бунда, жарима суммаси ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўланишида ушлаб қолиш йўли орқали ундирилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотга жарима солинганидан сўнг кейинги уч ой давомида хизматлар натижадорлиги тақроран қониқарсиз деб баҳоланган

тақдирда, Буюртмачи ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун Томонлар қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномага мувофиқ жавоб берадилар.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

7.1. Ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг розилиги бўйича ёки форс-мажор ҳолати вужудга келганда амалга оширилади.

7.2. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишувлар тузиш орқали ёзма шаклда расмийлаштирилади.

7.3. Томонлар келиша олмаган тақдирда, ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёки бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.4. Томонлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.5. Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилади:

Хизмат кўрсатувчи ташкилот фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши;

ушбу шартнома 5.3-бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда Буюртмачининг ташаббуси бўйича;

ўз фаолиятини тўхтатиш мақсади тўғрисида фаолиятнинг тўхтатилиши кутилаётган санадан уч ой олдин Буюртмачини хабардор қилган ҳолда, Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ташаббуси билан.

7.6. Ушбу шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Томон иккинчи Томонга бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали ёзма билдиришнома юборади.

7.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятлар қоникарли бажарилган тақдирда, шартноманинг амал қилиш муддати Томонларнинг келишуви бўйича 5 йилга узайтирилади.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартнома доирасида келиб чиқадиган низолар Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳал этилади.

8.2. Келишув билан ҳал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 20__ йил “___” _____ гача амал қилади.

10. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати

10.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича бирон-бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун, агар бундай мажбуриятларнинг бажарилмаслигини ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлигини енгиб бўлмайдиган куч ҳолати келтириб чиқарган тақдирда, жавоб бермайдилар.

10.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига Томонларнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатган, мазкур шароитларда фавқулодда ва қутилмаган вазиятлар киради. Келтирилган рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди. Бундай вазиятларга бозорда ишларни амалга ошириш учун зарур хизматлар ёки материаллар мавжуд эмаслиги ёки етишмаслигига тааллуқли ҳолатлар кирмайди.

10.3. Томон дарҳол (ёки бошланган санадан бошлаб уч календарь кунидан кечикмай) форс-мажор ҳолатининг бошланиш санаси ва тавсифини аниқлаштирувчи ёзма равишда бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали хабар беради.

10.4. Форс-мажор ҳолатлари вужудга келган тақдирда, Томонлар дарҳол юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари кидириш учун музокаралар олиб борадилар ва бундай ҳолатларнинг оқибатларини камайтириш учун барча воситаларни қўллайдилар.

10.5. Ушбу Битим бўйича ишларнинг форс-мажор ҳолатлари туфайли тўлиқ ёки қисман тўхтатилишида, мазкур ишларни олиб бориш даври форс-мажорнинг амал қилиш муддатига узайтирилади ва форс-мажор тугаган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

11. Яқунловчи қондалар

11.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 асл нусхада тузилди. Бир нусхаси Буюртмачида, иккинчиси – Хизмат кўрсатувчи ташкилотда сақланади.

11.2. Ушбу шартнома иловалари ва қўшимча келишувлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12. Томонларнинг манзили ва реквизитлари

«Буюртмачи»

«Хизмат кўрсатувчи ташкилот»

(тўлиқ номи)
Жойлашган жойи: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО: _____
СТИР: _____
ИФУТ: _____

(тўлиқ номи)
Жойлашган жойи: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО: _____
СТИР: _____
ИФУТ: _____

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

**) Агар шартнома билан давлат мулки (Буюртмачига тегишли мулк)дан фойдаланган ҳолда фаолият олиб борилиши назарда тутилмаётган бўлса, ушбу ҳолатларда тўлдирилади (шартнома матнига киритилади).*

****) ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг бир ойлик қиймати қуйидагиларга мувофиқ кўрсатилади:*

а) агар туман (шаҳар) ҳудуди қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган электрон танлов натижалари бўйича Хизмат кўрсатувчи ташиқлотга бириктирилса, Хизмат кўрсатувчи ташиқлот – электрон танлов холиби томонидан электрон танловда иштирок этиши учун тақдим этилган аризида кўрсатилган қиймат;

б) агар, электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилса, электрон танловга қўйиладиган ҳудуд паспортида Буюртмачи томонидан белгиланган, ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг базавий қиймати;

в) ушбу шартнома бириктирилган ҳудуддаги амалда фаолият юритаётган Хизмат кўрсатувчи ташиқлот билан электрон танлов ўтказмасдан тузилган тақдирда, қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилган қиймат:

$$V = H \times S \times K \times 0,95 - R$$

бунда:

V – жисмоний шахсларга ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг бир ойлик қиймати;

H – бириктирилаётган ҳудудда истиқомат қилувчи ва қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими (Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими)га киритилган жисмоний шахслар (аҳоли)нинг умумий сони;

S – ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар учун белгиланган тартибда тасдиқланган тариф миқдори;

K – ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни ўртача ундириши даражаси (Тошкент шаҳрида – 100 % (K=1), вилоятлар марказларида – 90 % дан ортиқ бўлмаган (K≤0,9), бошқа ҳудудларда – 80 % дан ортиқ бўлмаган (K≤0,8));

0,95 – барабарлик коэффициенти (Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг банк ҳисоб рақамига 5 % миқдоридаги ажратмалар ҳисоби билан);

R – Санитар тозалаш марказини сақлаш учун ажратмалар суммаси.

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга намунавий шартномага
1-илова

Хизмат кўрсатувчи ташкилотга бириктириладиган ҳудуд паспорти

1. _____ вилояти
2. _____ шаҳар, туман (қишлоқ ва бозқалар)
3. Аҳоли сони – _____ минг киши.

шу жумладан:

- кўп квартирали уйларда – _____ минг киши.
- якка тартибдаги турар жой секторида – _____ минг киши.

4. Бириктирилган ҳудуддаги фуқаролар йиғини, кўчалар, мавзелар ва уйлар рўйхати:

Т/р	Номи	Кўп квартирали ва якка тартибдаги турар уйлар
1.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та, шу жумладан: намунавий (кўрикланадиган) _____ та; модулли (кўрикланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган якка тартибдаги уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши.
2.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та шу жумладан: намунавий (кўрикланадиган) _____ та; модулли (кўрикланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган якка тартибдаги уйлар: - рақамлари - № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони - _____ минг киши.
...		

Изоҳ: Рўйхатга бириктирилган ҳудудга хос ва зарур бўлган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Буюртмачи _____
(Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

Хизмат кўрсатувчи
ташкилот _____
(Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга намунавий шартномага
2-илова

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадлари учун Хизмат кўрсатувчи
ташкилотга вақтинча фойдаланишга топширилаётган
давлат мулкининг рўйхати

Т/р	Давлат мулкининг номи	Сони	Ўлчов бирлиги	Жойлашган жойи	Фойдаланиш муддати
1					
2					
...					
...					

Изоҳ: Жадвалга давлат мулкига хос ва зарур бўлган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Буюртмачи _____
(Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

Хизмат кўрсатувчи
ташкилот _____
(Ф.И.О.)

(имзо ва муҳр)

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга намунавий шартномага
3-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
хизматларини кўрсатиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
20___ йил “___” _____-сон битимига _____-сон
қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича
бажарилган ишлар далолатномаси**

Шаҳар (туман) _____

20___ йил “___” _____

Биз, куйида имзо чекувчилар, _____
(Давлат экология кўмитасининг худудий органи)

хузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғи _____ ва

(Ф.И.О.)

раҳбари

_____ раҳбари
(Хусусий шерик – хизмат кўрсатувчи ташкилот)

(Ф.И.О.)

ушбу далолатномани куйидагилар тўғрисида туздик:

1. 20___ йил “___” _____ даги _____-сон Битимга мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан унга бириктирилган худудда 20___ йилнинг _____ ойида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича ушбу далолатноманинг 2-бандида кўрсатилган ҳажмдаги хизматлар кўрсатилди.

2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар:

Т/р	Бириктирилган худудлар	Қатновлар сони	Олиб чиқиб кетилган қаттиқ маиший чиқинди ҳажми (м ³)	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар қиймати (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда)	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар қиймати (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда)
1.					
...					

_____ (хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғининг Ф.И.О.)

_____ (имзо ва муҳр)

_____ (имзо ва муҳр)

Маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш хизматлари
кўрсатишга намунавий шартномага
4-илова

**Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар
натижадорлигини баҳолаш**

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш 100 баллик шкаладан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда куйидаги кўрсаткичлар бўйича кониқарсиз баҳо учун ҳар бир кўрсаткич бўйича муайян балл олиб ташланади.

1. Абонентларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

$S=A/C*100$, бунда:

S – 100 та абонентга тўғри келадиган шикоятлар сони;

A – ҳисобот оғи учун шикоятлар сони;

C – абонентлар сони.

Бунда:

агар $3<S<10$ – 10 балл олиб ташланади;

агар $10<S<20$ – 15 балл олиб ташланади;

агар $S>20$ – 20 балл олиб ташланади.

2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадваларига риоя этилиши;

$T=G/F$, бунда:

T – тасдиқланган қатновларнинг бир ойда бажарилиш коэффициентини;

G – бир ойда ҳақиқатда амалга оширилган қатновлар сони;

F – бир оғга тасдиқланган қатновлар сони.

Бунда:

агар $0,8<T<0,9$ – 10 балл олиб ташланади;

агар $0,75<T<0,8$ – 15 балл олиб ташланади;

агар $T<0,75$ – 20 балл олиб ташланади.

3. Чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолати*.

$P=B/D$, бунда:

P – талабларга жавоб бериш даражасини;

B – талабларга жавоб берадиган чиқинди тўплаш шохобчалари сони;

D – бириктирилган ҳудуддаги чиқинди тўплаш шохобчаларининг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9<P<1$ – 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 < P < 0,9$ – 10 балл олиб ташланади;
агар $P < 0,7$ – 15 балл олиб ташланади.

4. Контейнерларнинг ҳолати*.

$K = H/R$, бунда:

K – талабларга жавоб бериш даражаси;

H – талабларга жавоб берадиган контейнерлар сони;

R – бириктирилган ҳудуддаги контейнерларнинг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9 < K < 1$ – 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 < K < 0,9$ – 10 балл олиб ташланади;

агар $K < 0,7$ – 15 балл олиб ташланади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши.

биттадан учтагача ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 20 балл олиб ташланади;

учтадан бештагача ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 25 балл олиб ташланади;

бештадан ортиқ ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 30 балл олиб ташланади;

6. Кўрсатилган хизматлар натижадорлиги Санитар тозалаш маркази қарори бўйича:

агар баллар йиғиндиси 40 баллдан камни ташкил қилса – қониқарсиз;

агар баллар йиғиндиси 40 баллдан 60 баллгачани (60 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – паст;

агар баллар йиғиндиси 60 баллдан 80 баллгачани (80 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – ўрта;

агар баллар йиғиндиси 80 баллдан 90 баллгачани (90 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – етарли;

агар баллар йиғиндиси 90 баллдан 100 баллгачани (100 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – қониқарли деб эътироф этилади.

**) Баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади.*

Қаттиқ ва суюқ маиший
чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб
кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш
қоидаларига 4-илова

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни
тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун
тўловларни марказлашган тартибда тўлаш юзасидан
буюртманома

20 ____ йил “ ____ ” _____ -сон

20 ____ йил _____ ойи учун.

Буюртманома берувчи _____
(Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органи)

Т/р	Шартнома/ битим рақами	Шартнома/ битим санаси	Ташкилот номи (олувчи)	Ташкилотнинг банк реквизитлари	Ўтказиладиган маблағ (сўм)
1.					
2.					
...					
Жами					

Тақдим этилган сана: 20 ____ йил “ ____ ” _____

Санитар тозалаш хизматларини
ташқил этиш маркази бошлиғи

_____ (имзо)

М.Ў.

_____ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 6 Февралдаги 95 - сон қарорига
2- илова

**Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган
давлат ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий
рағбатлантириш тартиби тўғрисида
Низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузуридаги “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари, “Махсустрас” давлат унитар корхонаси ва уларнинг туман (шаҳар) филиаллари, шунингдек, “Chiqindilarni qayta yuklash va utilizasiya qilish” давлат корхонасининг (кейинги ўринларда санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари деб аталади) ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш юридик ва жисмоний шахсларга чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик фаолиятдан олиннадиган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотларининг юридик ва тиббиёт хизматлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, мазкур Низом, бошқа қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, шунингдек, бошқа локал ҳужжатлар ва иш берувчи ҳамда ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

тариф ставкалари (лавозим маошлари);

қонун ҳужжатларига мувофиқ тариф ставкаларига (лавозим маошларига) белгиланадиган қўшимча ҳақ ва устамалар;

ҳисобот давридаги ишларнинг якуний натижалари бўйича, байрам ва юбилейларда, шунингдек, алоҳида ажралиб турувчи ходимларга тўланадиган мукофотлар;

моддий ёрдам ва компенсация тўловлари.

5. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг тариф ставкаларига (лавозим маошларига) қўшимча ҳақ ва устамалар, мукофотлар

ва моддий ёрдам мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан, белгиланган тартибда, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, санитария жиҳатидан тозалаш ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ белгиланган тариф ставкалари (лавозим маошлари) бўйича амалга оширилади.

2-боб. Тариф ставкаларини (лавозим маошларини) белгилаш тартиби

7. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг тариф ставкалари (лавозим маошлари) санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткаси (кейинги ўринларда тариф сеткаси деб аталади) асосида белгиланади.

8. Штатлар жадвалини шакллантиришда ишчи касблари (мутахассисликлар) бўйича малака разрядлари ва тариф коэффициентлари ишларни сифатли бажариш учун талаб қилинадиган малакадан (касб бўйича ўртача разряддан) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

9. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг тармоқ тариф коэффициенти:

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланган тариф коэффициентлари;

ишларнинг технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ишчилар тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

10. Ходимнинг тариф ставкаси (лавозим маоши) ходимнинг тегишли лавозими, касби ва малакаси учун белгиланган тариф коэффициентини қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Соатбай тариф ставкаси миқдори ходимнинг тариф ставкасини (лавозим маошини) 6 кунлик иш ҳафтаси асосида иш вақти нормал давом этганда иш соатларининг ўртача ойлик сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

3-боб. Қўшимча ҳақ ва устамалар

11. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг тариф ставкасига (лавозим маошига) қуйидаги қўшимча ҳақ ва устамалар тўланади:

иш вақтидан ташқари ва дам олиш, байрам кунларида ишлаганлик учун – соатбай тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда икки баробар миқдорда;

тунгги вақтда ишлаганлик учун – соатбай тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда бир ярим баробар миқдорда;

бир йўла бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик ва хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтирганлик учун – ходим учун асосий касби (лавозими) бўйича белгиланган меҳнат нормасидан ортиқ амалда бажарилган ишлар учун;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда санитария жиҳатидан тозалаш соҳасидаги иш стажининг узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда, тариф

ставкасига (лавозим маошига) фоизларда, ҳар ойда белгиланган хизмат муддати учун қуйидаги миқдорларда (тўлаш шартлари ва тартиби маҳаллий ҳужжатлар билан белгиланади):

Иш стажи	Устамалар миқдорлари (фоиз ҳисобида)
3 йилдан 5 йилгача	50
5 йилдан 10 йилгача	75
10 йилдан ортиқ	100

12. Узлуксиз иш стажи санитария жихатидан тозалаш ташкилотига ишга кирганда қуйидаги ҳолатларда сақлаб қолинади:

ташкилотлар тугатилгани (кайта ташкил этилгани) ёки штат қисқаргани ёхуд доимий яшаш жойи ўзгаргани сабабли, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда санитария жихатидан тозалаш ташкилотидан ишдан бўшаган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай ишга кирганда;

ўз хоҳишига кўра (узрли сабаб бўйича), шу жумладан эри ёки хотини бошқа яшаш жойига ўтганда (ўтиш вақти бир ойлик муддатга киритилмайди) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда санитария жихатидан тозалаш ташкилотидан ишдан бўшаган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай ишга кирганда.

13. Махсус чиқинди ташиш автомашиналари, юк автомобиллари (самосваллар, бензовозлар ва ассенизация машиналари) ҳайдовчиларига уларнинг тариф ставкасига (лавозим маошига) қуйидаги миқдорларда устамалар тўланади:

класси учун ҳайдовчиларга: тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 1-класс – 25 фоиз; 2-класс – 10 фоиз;

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги жадал шаҳар ҳаракати шароитларида ишлаганлик учун – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 10 фоизи;

газ баллонли ёқилғи тизимлари билан жиҳозланган автомобилларда, зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 12 фоизи.

14. Ўзига хос меҳнат шароитларида ишлаганлик учун махсус чиқинди ташиш автомашиналари ҳайдовчилари ва юкчиларига, махсус техника механизаторлари, таъмирлаш ишчилари, пресс-компактерлар ва юклашнинг пастки ҳудудлари операторлари ва чиқиндиларни қайта юклаш станциялари юкчилари, полигонлардаги юкчилар, чиқинди тўплаш шохбчаси операторларига тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 12 фоизи миқдорида, ассенизация автомашиналари ҳайдовчиларига – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 30 фоизи миқдорида устама белгиланади.

15. Барча ҳолатларда белгиланган қўшимча ҳақ ва устамалар тариф ставкасига (лавозим маошига) нисбатан қўлланилади.

4-боб. Ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш тартиби

16. Ходимларни мукофотлаш санитария жихатидан тозалаш ташкилоти бўйича белгиланган асосий кўрсаткичлар бажарилганда, шунингдек, фаолият самарадорлигини оширишга, харажатларни камайтиришга ва ички резервлардан фойдаланишга йўналтирилган тadbирлар ўз вақтида бажарилганда ҳамда кутилаётган самарага эришилганда ҳисобот давридаги ишларнинг натижалари бўйича амалга оширилади.

Ўз функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда ташкилот фаолияти натижаларидаги қўшилган шахсий ҳисса ходимларга мукофот ҳисоблаш учун асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Санитария жихатидан тозалаш ташкилоти ва унинг ходимларининг ҳар бир тоифаси бўйича мукофотлашнинг аниқ кўрсаткичлари касаба уюшмаси кўмитаси билан келишув бўйича раҳбар томонидан белгиланади.

17. Мукофотларнинг аниқ миқдорлари мукофотлашга маблағларнинг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир санитария жихатидан тозалаш ташкилотидан тузилган махсус комиссия томонидан белгиланади.

Махсус комиссия таркибига: раҳбар, бош бухгалтер, асосий ишлаб чиқариш хизматлари раҳбарлари, меҳнат жамоаси ва санитария жихатидан тозалаш ташкилотлари касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари киради. Махсус комиссия қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

18. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилганлардан ташқари санитария жихатидан тозалаш ташкилотларининг бошқа ходимларини мукофотлаш ойлик ҳисобот маълумотлари асосида юк ташиш прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 100 фоизигача амалга оширилади.

19. Махсус чиқинди ташиш автомашиналари ҳайдовчилари ва юкчиларини мукофотлаш қуйидаги кўрсаткичлар бажарилганда ҳар ойда амалга оширилади:

юк ташиш прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 50 фоизигача;

юк ташиш жадвалига риоя қилинганлиги учун – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 30 фоизигача;

транспорт воситасини зарур ҳолатда сақлаганлиги учун – тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 20 фоизигача.

Юк ташиш бўйича прогноз кўрсаткичлар бажарилмаганда, шунингдек, каттик маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар истеъмолчилари (жисмоний ва юридик шахслар) томонидан тегишли ходимга нисбатан берилган икки ва ундан ортиқ асосланган шикоят мавжуд бўлганда мукофот тўланмайди.

20. Хизмат кўрсатиладиган участканинг тозаллиги таъминланган ва молиявий имкониятлар мавжуд бўлганда махсус чиқинди ташиш автомашиналарининг юкчиларига тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 100 фоизигача бўлган миқдорда мукофот тўланади.

Бунда тўловларнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида назарда тутилган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси ёки ходимнинг аризаси бўйича махсус комиссия қарори билан тайинланади.

21. Маблағлар мавжуд бўлганда ходимларга қуйидагилар тўланиши мумкин:

байрам кунлари ва юбилейларга тўланадиган мукофот, шунингдек, алоҳида ажралиб турувчи ходимларга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилган рационализаторлик таклифлар учун бир йўла бериладиган мукофот;

йўлкира ва овқатланиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида ҳар ойлик компенсация;

тариф ставкасининг (лавозим маошининг) бир баравари миқдоригача бир йўла бериладиган моддий ёрдам;

айрим ҳолатлар билан боғлиқ равишда (узок давом этган касаллик, оила аъзосининг вафот этиши, никоҳга кириш) тариф ставкасининг (лавозим маошининг) бир баравари миқдоригача бир йўла бериладиган моддий ёрдам.

**5-боб. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилоти ходимлари меҳнатига
ҳақ тўлашнинг белгиланган тартибини
таъминлаш учун жавобгарлик**

22. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари ходимлар меҳнатининг нормаланишини ва ҳисобга олинишининг ташкиллаштирилиши, ушбу Низомда назарда тутилган тариф ставкаларининг (лавозим маошларининг) тўғри белгиланиши, қўшимча ҳақлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа тўловлар тўғри ҳисобланганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 6 Феврал даги 95 - сон қарорига
3- илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш Қоидаларининг 40-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“40. Шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва кишлоқ аҳоли пунктларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда экологик талабларга мувофиқ, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, жойлаштириш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, зарарсизлантириш, шунингдек, суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва ташишни ўз ичига олган тадбирлар мажмуини назарда тутувчи ҳудудларни тозалаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-илованинг 33-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

33.	Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси	Республика истеъмолчиларига энергия ресурсларини сотишдан, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатишдан тушган маблағлар	10
		Ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкларини сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини (давлат божидан ташқари) ундиришдан тушган маблағлар	8
		Бюро органлари томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан тушган маблағлар	8
		Давлат ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғими маблағлари	80
		Бюро ходимлари томонидан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар	80
		Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар	100
		Бюро бўлинмалари, шунингдек, прокуратура органларининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларини сотишдан олинган маблағлар	50
		Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар	100

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 сентябрдаги 266-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 9-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисида Низомнинг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:


“17. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ташкилотларигача транспортда етказиб бериш симобли лампалардан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида йиғилган симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ташкилотларигача транспортда етказиб бериш чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 2-модда):

- а) қарорнинг 2-банди ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) 1-илованинг 5-бандида:
ўн еттинчи ва ўн саккизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
ўн тўққизинчи хатбоши ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
- в) 3-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Вилоятларга (Қорақалпоғистон Республикасида - республикага) бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



*Ходимларнинг чекланган сони:
бошқарув ходимлари (БХ - 9 киши;
муҳандис-техник ходимлар (МТХ) - 2 киши;
ёрдамчи ходимлар - 6 киши.*

Изоҳ: *ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади”.*

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 21 майдаги 379-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи, тўртинчи ва еттинчи хатбошиларидаги “сув чиқариш хизматлари” сўзларидан кейин “қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича” сўзлари қўшилсин;

б) 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “сув чиқариш хизматлари” сўзларидан кейин “қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар” сўзлари қўшилсин;

в) 2-иловадаги “сув чиқариш хизматлари,” сўзларидан кейин “қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар” сўзлари қўшилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарорида:

а) 1-иловада:

6-банддаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

7-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

8-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази (кейинги ўринларда Санитар тозалаш маркази деб аталади) буюртмачининг ишчи органи ҳисобланади ва куйидаги вазифаларни бажаради:

а) куйидагиларни ўз ичига олувчи танлов ҳужжатларини тайёрлайди:

ҳудудлар рўйхати (икки ва ундан ортиқ ҳудуд мавжуд бўлганда);

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича электрон танловга қўйилаётган ҳар бир ҳудуднинг паспорти;

электрон танловлар голибларининг чиқинди тўплаш шохобчаларида ва туташ ҳудудда лозим даражадаги тозаликни таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга ошириш, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яратиш ёки яхшилашни (чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш, контейнерлар билан жиҳозлаш) назарда тутувчи мажбуриятлари;

б) бириктирилаётган ҳудудда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг базавий қийматини ҳисоблаб чиқаради.

Бунда, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматларнинг бир ойлик базавий қиймати бириктирилаётган ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли сони, белгиланган тариф, мажбурий тўловларнинг ўртача ундириш даражаси, шунингдек, Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасига ажратмалар ва Санитар тозалаш марказини сақлаш харажатларидан келиб чиқиб, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V = H \times S \times K \times 0,95 - R$$

бунда:

V – жисмоний шахслар (аҳоли)га ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг бир ойлик базавий қиймати;

H – бириктирилаётган ҳудудда истиқомат қилувчи ва қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимига киритилган жисмоний шахслар (аҳоли)нинг умумий сони;

S – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар учун белгиланган тартибда тасдиқланган тариф миқдори;

K – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг ўртача ундириш даражаси (Тошкент шаҳрида – 100 % ($K=1$), вилоятлар марказларида – 90 % дан ортиқ бўлмаган ($K \leq 0,9$), бошқа ҳудудларда – 80 % дан ортиқ бўлмаган ($K \leq 0,8$));

0,95 – бараварлик коэффициенти (Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг банк ҳисоб рақамига 5 % миқдоридаги ажратмалар ҳисоби билан);

R – Санитар тозалаш марказини сақлаш учун ажратмалар суммаси.

в) ҳудудларни электрон танловга қўйиш учун буюртмачи номидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали операторга электрон буюртманома юборади.

Ишчи орган конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.”;

20-банднинг олтинчи – ўнбиринчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги олтинчи – тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)ни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома нусхаси;

ишлаб чиқариш базаси (автопарк, гараж)нинг ижара шартномаси нусхаси (агар хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаса);

Закалат пули ариза берувчи томонидан муайян бир (танланган) лот бўйича буюртманомга бераётганда унинг шахсий ҳисобварағидан чиқариб олинади.

Агар ариза берувчининг шахсий ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағлари закалат пулини тўлашга етарли бўлмаса, электрон танловда иштирок этиш учун буюртманомга қабул қилинмайди”;

36-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“буюртмачи ва электрон танлов ғолиби ўртасида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартномани тузиш муддати тўғрисида”;

37-39-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“37. Электрон танлов ғолиби баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, баённомани тақдим этган ҳолда, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартномани тузиш учун буюртмачига мурожаат қилади.

Буюртмачи электрон танлов ғолиби билан тузилган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартноманинг электрон (сканер қилинган) нусхасини у имзоланганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай операторга юбориши шарт.

Агар электрон танлов ғолиби баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида буюртмачини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартномани тузишни рад этиш тўғрисида хабардор қилса (ёзма) ёки мурожаат қилмаса, у рад этган деб ҳисобланади ва буюртмачи кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда операторга электрон тизим ёрдамида маълум қилади.

38. Оператор, ўз навбатида, электрон танлов ғолибининг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартнома тузишни рад этганлиги тўғрисидаги маълумотни олганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай буюртмачи билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф билан танлов иштирокчилари орасида танлов ғолибидан кейин юқори балл тўплаган навбатдаги иштирокчига (агар баллар тенг бўлса - аризани олдинроқ берганга) (кейинги ўринларда танловнинг иккинчи иштирокчиси деб аталади) электрон хат юборади.

Бунда, агар танловнинг иккинчи иштирокчиси беш иш куни мобайнида ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклдаги ва электрон рақамли имзо билан имзоланган билдиришномани операторга юбориш орқали таклифни қабул

қилганлигини тасдиқласа, у электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади ва унга ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилади.

Танловнинг иккинчи иштирокчиси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида баённоманинг асл нусхасини тақдим этган ҳолда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартномани тузиш учун буюртмачига мурожаат қилади.

39. Буюртмачи электрон танлов ғолиби билан тузилган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартноманинг электрон (сканер қилинган) нусхасини у имзоланганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай операторга юбориши шарт.

Агар танловнинг иккинчи иштирокчиси таклиф юборилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида буюртмачини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартномани тузишни рад этиш тўғрисида хабардор қилса (ёзма) ёки мурожаат қилмаса, у рад этган деб ҳисобланади ва буюртмачи кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда операторга электрон тизим орқали маълум қилади. Бунда электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилади”;

41-банд “а” кичик бандининг иккинчи хатбошидаги “буюртмачининг худудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги қарорининг” сўзлари “маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартноманинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

43-45-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“43. Буюртмачи электрон танлов ғолиби мурожаат қилганидан сўнг уч иш куни мобайнида ва баённомага асосан у билан 5 йилдан кам бўлмаган муддатга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим ёки шартнома тузади.

44. Агар электрон танлов ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган ҳолатларга асосан ўтказилмаган деб эътироф этилса, буюртмачи электрон танлов ўтказмасдан, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Тоza худуд” ёки Тошкент шаҳар “Махсустрэнс” давлат унитар корхоналари билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан шартнома тузишга ҳақли.

45. Электрон танлов ғолиблари маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартнома тузилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришадилар.”;

Низомга 1-иловада:

1-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-босқичнинг “Тадбирлар” устунидаги “жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш ҳамда унга ҳудудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштириш” сўзлари “маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёки шартнома тузиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-босқич қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

6-босқич	Буюртмачи	Танлов ғолиби билан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш юзасидан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим ёки шартнома тузиш.	Электрон танлов ғолиби мурожаат қилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида
----------	-----------	---	--

Низомга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

Низомга 3-иловада:

I бўлимнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг базавий қиймати:

жисмоний шахслар (аҳоли)га ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг базавий қиймати бир ойга _____ сўм;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатишда базавий тариф _____ сўм (1 м³ ҚМЧларни олиб чиқиш учун) ***”;

II бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“II. Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезонлар номи
1.	Ишлаб чиқариш базасининг (автопарк, гараж) мавжудлиги
2.	Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати
3.	Чиқинди ташиш машиналарининг ишлаб чиқарилган йилига кўра улардан неча йил фойдаланилганлиги
4.	Чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)нинг мавжудлиги
5.	ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг базавий қийматидан жисмоний шахслар (аҳоли)га ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бир ойлик хизматларнинг паст қиймати бўйича таклиф
6.	Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга базавий тарифдан паст тариф бўйича таклиф

изоҳларнинг охириги хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“***) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари учун маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларга тасдиқланган тариф миқдори.”;

Низомга 4-илованинг 7-бандидаги тўртинчи – еттинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги тўртинчи – бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)ни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома нусхаси;

ишлаб чиқариш базаси (автопарк, гараж)нинг ижара шартномаси нусхаси (агар хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаса).”;

Низомга 5-илованинг VI бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“VI. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича таклиф этилаётган хизматлар қиймати тўғрисида маълумотлар

Т/р	Тариф	Тариф миқдори
1.	ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматларнинг бир ойлик базавий қиймати	_____ сўм.
2.	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатишда 1 м ³ ҚМЧларни олиб чиқиш учун	_____ сўм.

”;

Низомга 7-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезонлар номи	Баллар
	Жами	100
	<i>шу жумладан:</i>	
1.	Ишлаб чиқариш базасининг (автопарк, гараж) мавжудлиги*	20
2.	Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати:	20
	<i>5000 кишига қадар</i>	<i>5</i>
	<i>5 001 кишидан 10 000 кишига қадар</i>	<i>10</i>
	<i>10 001 кишидан 20 000 кишига қадар</i>	<i>15</i>
	<i>20 000 кишидан ортиқ</i>	<i>20</i>
3.	Чиқинди ташиш машиналарининг ишлаб чиқарилган йилига боғлиқ равишда улардан неча йил фойдаланилганлиги**	30
	<i>3 йилгача (3 йил ҳам қўшилган ҳолда)</i>	<i>30</i>
	<i>3 йилдан 5 йилгача</i>	<i>25</i>
	<i>5 йилдан 10 йилгача</i>	<i>15</i>
	<i>10 йилдан ортиқ</i>	<i>10</i>
4.	Чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)нинг мавжудлиги	5
5.	ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг базавий қийматидан жисмоний шахслар (аҳоли)га ҚМЧларни	15

	тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бир ойлик хизматларнинг паст қиймат таклифи	
	5 % гача (5% ҳам қўшилган ҳолда)	7
	5% дан 10 % гача	10
	10% дан 15 % гача	12
	15% дан ортиқ	15
6.	Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга базавий тарифдан паст тариф бўйича таклиф:	10
	5 % гача (5% ҳам қўшилган ҳолда)	2
	5% дан 10 % гача	4
	10% дан 15 % гача	8
	15% дан ортиқ	10

Изоҳлар:

*) Хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаган тақдирда ишлаб чиқариш базасининг ижара шартномаси нусхаси тақдим этилади;

***) Ишлаб чиқарилган йидига боғлиқ равишда ҳар бир чиқинди ташиш машинаси бўйича аниқланган баллар жамланади, сўнгра электрон танлов иштирокчиси томонидан таклиф этилган чиқинди ташиш машиналари сонига бўлинади”;

Низомга 8-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишга буюртмачи билан давлат-хусусий
шериклик тўғрисида битим ёки шартнома тузиш ҳақидаги таклиф қабул
қилинганлигини тасдиқлаш тўғрисида
БИЛДИРИШНОМА**

(юридик шахснинг тўлиқ номи)

СТИР _____

Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами: _____

Жойлашган жойи (почта манзили): _____

Электрон почта манзили: _____

Телефон ва факс рақами (агар мавжуд бўлса): _____,
(мамлакат ва шаҳар коддини кўрсатган ҳолда)

ушбу билдиришнома билан _____ (электрон танлов ўтказиш санаси) куни ўтказилиши белгиланган электрон танловга қўйилган, _____-сон лот бўйича маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга буюртмачи билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим ёки шартнома тузиш ҳақидаги таклиф қабул қилинганлигини тасдиқлайди.

Сана _____

Ариза берувчининг ЭРИси _____”;

Низомга 9-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

3-бандида:

саккизинчи хатбошидан “ва пеня тўланишини” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидан “ва суюқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

4-бандида:

русча матннинг иккинчи хатбошидаги “Исполнителю” сўзи чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги “Ижрочини” сўзлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази (кейинги ўринларда Санитар тозалаш маркази деб аталади) ёки унинг туман (шаҳар)га бириктирилган вакиллари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5- ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича Истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар учун тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиш;

йирик габаритли, қурилиш чиқиндилари, суюқ маиший ва бошқа чиқиндиларни алоҳида тўлов эвазига олиб чиқиш бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

ўзига бириктирилган ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг мунтазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқишнинг минимал даврийлигига риоя этиш: чиқинди тўplash шохобчаларидан - бир кунда бир маротаба ва яқка тартибдаги турар жой секторидан “сигнал” усулида - уч кунда бир маротаба;

Истеъмолчиларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича қонун ҳужжатлари ва ушбу шартнома талабларига мувофиқ зарур сифатдаги хизматлар кўрсатиш;

Ижрочи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолларда Ижрочининг диспетчерлик хизматида тушган Истеъмолчиларнинг буюртманомаларини оператив тартибда (буюртманома келиб тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай) бажариш;

кўрсатилаётган қўшимча хизматлар учун электрон тўлов тизимини жорий этиш;

Истеъмолчиларнинг маълумотлар базасини юрйтиш ва мунтазам равишда янгилаб бориш (кўрсатилган кўшимча хизматлар бўйича);

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари, шунингдек, уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминловчи ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчаларининг курилишини амалга ошириш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларнинг ҳолатини назорат қилиб бориш ҳамда уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун зарур миқдордаги контейнерлар билан жиҳозланишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва транспорт воситаларининг зарур тарздаги санитария ҳолатини таъминлаш;

маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга оширишни таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчаларини жорий ва мукамал таъмирлашни амалга ошириш;

фукараларнинг ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг қўлаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш (контейнер ва чиқинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан ва шу қабилар);

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг тартиби ва тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисида ушбу тарифлар кучга киришидан ўн беш кун аввал Ижрочининг стендида, эълонлар тахтасида эълонлар ошиш йўли билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчини хабардор қилиш;

Истеъмолчиларга уларнинг сўровига асосан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва хизматлар кўрсатиш тартибининг, шунингдек, тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисида бепул маълум қилиш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда бузилган ер участкаларини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш;

Ижрочининг стендида, эълонлар тахтасида кўрсатилаётган хизматлар, уларнинг амалдаги тарифлари, тўлов шартлари, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш жадвалини ва мазкур шартномани жойлаштириш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва янги камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маълумотлар ва бухгалтерия ҳужжатлари беш йил мобайнида бут ҳолатда сақланишини таъминлаш.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.”;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар Истеъмолчилар томонидан тўлов амалга оширилаётган, ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмай ягона транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва кейинчалик маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг махсус ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндилари, суюқ маиший чиқиндилар, чорвачилик, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича алоҳида хизматлар учун тўловлар бевосита Ижрочининг банк ҳисоб рақамига 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов жисмоний шахсларнинг ихтиёрига кўра чекланмаган ҳолда тижорат банклари ва тўловларни қабул қилиш кассалари, электрон тўлов тизими ва бошқа тўлов шаклларида амалга оширилади.”;

9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тарифлар бўйича амалга оширилади.”;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларнинг қайта ҳисоб-китоби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади”;

13-бандда:

иккинчи хатбошидаги “шунингдек ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Ижрочининг пеня тўлаши” сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги “Ижрочига” сўзи “Санитар тозалаш марказига ёки унинг туман (шаҳар)га бириктирилган вакилларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“15. Абонентлар бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларга киритилмаган ва улар ҳақида Санитар тозалаш марказига тақдим этилмаган янги абонентлар ёки бирга истиқомат қилувчи шахслар аниқланганда, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимида абонентлар ва бирга истиқомат қилувчи шахслар сонига тузатишлар киритилади.

Бир вақтнинг ўзида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки Санитар тозалаш маркази ходими томонидан тузилган далолатнома, ички ишлар органлари томонидан прописка қилинганлиги (шу жумладан, вақтинча прописка қилинганлиги)нинг тасдиғи, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи (ФХДЁ)нинг туғилганликни қайд этиш тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар), қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик, ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар сони ортган (кўчиб кириш, туғилиш ва шу кабилар) вақтдан бошлаб тўлиқ қайта ҳисоблаб чиқилади, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса – ўтган уч ой учун ҳисоб-китоб қилинади”;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Хизмат кўрсатилмаган ёки тегишли сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилган тақдирда Ижрочи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайди.”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва уларда фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидаларининг 6-банди иккинчи хатбошидаги ““сигнал” усулида” сўзлари “чиқинди тўплаш шохобчаларидан ёки “сигнал” усулида” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 6 Феврал даги 95 - сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари рўйхаги**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2013 й., 49-сон, 632-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 72-модда), шунингдек, қарорга 3-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Республиканинг санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизминини янада такомиллаштириш, уларда талаб юкори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 26 мартдаги 68-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 3-сон, 18-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 321-сон қарорига 1-илованинг 18-банди.